

---

## БОШ ҚОМУСИМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорликлар, демократик ислохотлар ва янгиланишларга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиб берган Конституциямизга – ҳаётимиз қомуси, дея таъриф берилади. Шу боисдан ҳам унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ўстиришнинг зарур шартидир.

Ушбу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллиги муносабати билан Бағдод тумани ҳокимлиги мажлислар залида, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан дебоча олган тантанали тадбирда яна бир бора эътироф этилди.



Тадбир аввалида туман ҳокими Алибек Турсунов сўз олиб, Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топгани, биз фуқаролар Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган, ҳаётимизга татбиқ этилаётган қонунларни ҳимоя қилишни билишимиз лозимлигини, бу эса ҳозирги замоннинг энг муҳим шартларидан эканини таъкидлади.

Туман прокурори Мирзобедил Назаровнинг алоҳида урғулашича, халқимизнинг бутун хоҳиш-иродаси акс этган Конституциямизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари билан бирга, миллатимизга хос кўп асрлик ҳуқуқий ва маънавий қадриятлар инobatга олинган.



Дарҳақиқат, мустақил Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Конституция халқимизнинг мустақиллик ва миллий давлатчилик истиқболни белгилаб берди. Конституция – жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шу боис, диёримизда Конституциянинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият олдидаги бурч ва вазифаларининг тарғиботи самарадорлигини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тантанали тадбирда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзининг фидокорона меҳнати, юксак инсоний фазилатлари билан кўпчиликка намуна бўлаётган бир гуруҳ фаолларга туман ҳокимлигининг Ташаккурномаси ҳамда эсталик совғалари топширилди.



Тадбир якунида туман маданият бўлими ходимлари, таниқли санъаткорлар, мактабгача таълим ва халқ таълими бўлимларида фаолият юритувчи педагоглар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар, шунингдек, 16-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг чиқишлари барчага байрамона кайфият улашди.

Туманда мавжуд барча корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида Бош қомусимиз қабул қилинганининг 27 йиллиги кенг нишонланмоқда.

**Бағдод тумани ҳокимлиги**

**Ахборот хизмати.**

2019-12-06 16:25:21